

## ИМКОНИАТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАЛАР УЧУН ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Адизова Машхура Абдурахмоновна

БПХТИ 2-босқич магистранти

**Аннотация.** Ушбу мақолада имконияти чекланган болалар учун инклюзив таълимнинг мазмуни, мақсадлари ва унинг амалий татбиқига оид ўзига хос хусусиятлар илмий таҳлил этилади. Шунингдек, индивидуал ёндашув, мултидисциплинар ҳамкорлик, физик ва психологик муҳитга мослашув каби омиллар асосида инклюзив таълимнинг самарадорлигини таъминлаш шартлари кўриб чиқилади.

**Калит сўзлар:** инклюзив таълим, имконияти чекланган болалар, индивидуал ёндашув, таълим муҳити, психо-педагогик ёрдам, ижтимоий адаптация.

**Абстрактный.** В статье дается научный анализ содержания, целей и особенностей инклюзивного образования детей с ограниченными возможностями, а также его практической реализации. Также рассматриваются условия обеспечения эффективности инклюзивного образования на основе таких факторов, как индивидуальный подход, междисциплинарное сотрудничество, адаптация к физической и психологической среде.

**Ключевые слова:** инклюзивное образование, дети с ограниченными возможностями, индивидуальный подход, образовательная среда, психолого-педагогическая помощь, социальная адаптация.

**Abstract.** This article provides a scientific analysis of the content, goals and specific features of inclusive education for children with disabilities. It also examines the conditions for ensuring the effectiveness of inclusive education based on factors such as an individual approach, multidisciplinary cooperation, and adaptation to the physical and psychological environment.

**Keywords:** inclusive education, children with disabilities, individual approach, educational environment, psycho-pedagogical assistance, social adaptation.

**Кириш.** Ҳозирги кунда жаҳон таълим тизимида демократик тамойиллар асосида барча болалар учун тенг таълим имкониятларини яратиш масаласи долзарб ҳисобланади. Инклюзив таълим (ингл. *inclusive education*) — бу имконияти чекланган болаларни умумий таълим тизимида фаол ва тўлиқ жалб этишга қаратилган педагогик ёндашув бўлиб, у инсон ҳуқуқлари, тенглик ва ижтимоий адолат принципларига асосланади.

ЮНЕСКО (2009) таърифича, инклюзив таълим — бу барча болаларни, жумладан, махсус эҳтиёжлиларни ҳам, бир хил таълим муҳитида қамраб олиш ва уларга сифатли таълимни таъминлаш жараёнидир. Ушбу ёндашув нафақат имконияти чекланган болалар учун, балки таълим тизимидаги барча иштирокчилар учун манфаатлидир.

Инсон ҳуқуқлари ва тенг имкониятлар концепциясининг кенгайиши натижасида сўнгги йилларда таълим соҳасида инклюзив ёндашув долзарб аҳамият касб этмоқда. Инклюзив таълим — бу имконияти чекланган болаларни умумий таълим тизимига тўлиқ жалб қилиш, улар учун зарур шарт-шароитлар яратиш, индивидуал эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда барча болалар билан тенг ҳуқуқли таълим олиш имкониятини таъминлашдир.

Инклюзив таълим фақатгина имконияти чекланган болаларни мактабга жойлаштириш эмас, балки таълим-тарбия жараёнида уларнинг тўлақонли иштирокини таъминлаш, ижтимоий адаптация ва интеграцияга йўл очиш демакдир. Бу тизим барча болаларни биргаликда ўқишга, ўзаро мулоқот қилишга ва ҳаёт учун керакли кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган.

Инклюзив таълим фалсафий, психологиялық ва педагогик ёндашувларни ўз ичига олади. Ушбу тизимда бола шахс сифатида марказга қўйилади ва унинг ўзига хос хусусиятлари, имкониятлари ва эҳтиёжлари инобатга олинади. Инклюзив таълимнинг назарий асослари когнитив психология, гуманистик педагогика ва социокультур ёндашувларга таянади (Выготский, Бронфенбреннер, Монтессори ва бошқалар).

“Инклюзив таълим” ўзи нима? Алоҳида таълим эҳтиёжлари ва индивидуал имкониятларнинг хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда барча таълим олувчилар учун таълим ташкилотларида таълим олишга бўлган тенг имкониятларни таъминлаган ҳолда бериладиган таълим.

Инклюзив таълимнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ривожланишнинг турли имкониятларига эга бўлган ўқувчилар учун ҳар қандай камситилишни истисно қиладиган, барча болаларга тенг муносабатда бўлишни таъминлайдиган ягона мослаштирилган ижтимоий муҳитни яратиш;
- жамоатчилик ҳамда таълим жараёнининг барча иштирокчиларида алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган ўқувчилар муаммоларига нисбатан бағрикенглик муносабатини шакллантириш;
- таълим жараёнида соғлом болалар билан бир қаторда алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг ақлий ва ижтимоий салоҳиятларини ривожлантириш;
- барча ўқувчилар учун давлат таълим стандартларига мувофиқ умумий ўрта таълим дастурларини ўзлаштириш учун имконият яратиш;
- ўқувчиларнинг ҳар томонлама ривожланиши, эмоционал- иродавий соҳаси, билиш фаолиятини фаоллаштириш, ижтимоий кўникма ва салоҳиятини шакллантириш учун шарт-шароитлар яратиш;
- алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни тарбиялаётган оилаларга маслаҳат ёрдами бериш ҳамда ота- оналарни фарзандларига таълим-тарбия бериш, педагогик технологиялар, таълим-тарбия метод ва воситаларини қўллаш соҳасида хабардорлик даражасини ошириш, уларни психологик- педагогик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш.

MODERN EDUCATIONAL SYSTEM AND INNOVATIVE TEACHING SOLUTIONS

Мактабда инклюзив таълим ва бошланғич таянч коррекцион синфлар худуддаги аҳоли эҳтиёжи ва ота- оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар таклифи билан Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси буйруғига кўра ташкил этилади.

Имконияти чекланган болалар учун инклюзив таълимнинг ўзига хос хусусиятлари куйидагилардан ташкил топган:

1. Индивидуал ёндашув.

Ҳар бир боланинг имкониятлари, эҳтиёжлари ва салоҳиятини инобатга олган ҳолда, ўқитиш метод ва воситалари танланади. Ишлаб чиқилган индивидуал таълим дастурлари (ИТД) асосида таълим берилади.

2. Мултидисциплинар ёндашув.

Инклюзив таълим жараёнида педагоглар, логопедлар, психологлар, дефектологлар ва шифокорлардан иборат жамоа иш олиб боради. Бу боланинг ҳар томонлама ривожланишига ёрдам беради.

3. Физик ва педагогик муҳитга мослашув.

Таълим муассасаларида архитектура баръерлари бартараф этилади, жисмоний имконияти чекланган болалар учун пандуслар, махсус ўриндиқлар, тактил йўллар, аудио ва визуал қурилмалар жорий этилади.

4. Инклюзив маданиятни шакллантириш.

Синфдаги бошқа болалар ва ўқитувчиларнинг имконияти чекланган болаларга нисбатан онгли муносабатини шакллантириш муҳим. Бунинг учун таълим муассасасида толерантлик, ўзаро ҳурмат ва ёрдам маданиятини ривожлантириш керак.

5. Ота-оналар билан ҳамкорлик.

Инклюзив таълимда ота-оналарнинг иштироки катта аҳамиятга эга. Улар фарзандининг таълим ва тарбия жараёнида фаол иштирок этиши учун мунтазам мулоқот ва маслаҳатлар олиб борилади.

6. Ўқитувчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш.

Инклюзив таълимни самарали ташкил этиш учун ўқитувчилар махсус курсларда тайёрланади, уларга психология, коррекцион педагогика ва инклюзив технологиялар бўйича билим ва кўникмалар берилади.

Инклюзив таълим синфларида жами ўқувчилар сони 30 нафардан ошмаслиги керак. Ушбу синфларда умумий ўрта таълим дастурлари бўйича оммавий тарзда ўқиётган ўқувчилар билан бирга махсус (коррекцион) дастурлар асосида ўқиётган алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган ўқувчилар сони 3 нафардан ошмаслиги лозим. Инклюзив таълим синфлари ва бошланғич таянч коррекцион синфларга фақат бир хил тиббий ташхисдаги ўқувчилар қабул қилинади. Бошланғич таянч коррекцион синфларда ўқувчилар сони амалдаги алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар (шахслар) учун давлат ихтисослаштирилган таълим муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар) синфларидаги ўқувчилар сони меъёрларига мувофиқ равишда белгиланади.

Ҳар бир ўқувчи учун умумий ўрта таълим дастури ва махсус (коррекцион) таълим дастуридан келиб чиқиб мактаб томонидан тасдиқланадиган йиллик режа ва машғулотлар жадвали тузилади. Бунда ўқувчининг индивидуал психожисмоний хусусиятлари, қизиқишлари ҳамда психологик-тиббий-педагогик комиссиянинг тавсиялари инобатга олинади. Ўқувчиларни ўқитиш методикасини ишлаб чиқишда куйидагилар инобатга олинади:

- педагогнинг таълим жараёнида тўлиқ ёки қисман иштироки зарурати;
- енгиллаштирилган индивидуал кун тартибини (топшириқлар ҳажми, ҳафта давомида кўшимча дам олиш куни ва бошқалар) ташкил этиш;
- ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларидан келиб чиқиб дарс машғулотларини тузиш;
- умумривожлантирувчи ва фанлар йўналишидаги машғулотларни индивидуал ва гуруҳ шаклида ташкил этиш;
- психолог, махсус педагог ва бошқа мутахассисларнинг мактабдан ва синфдан ташқари коррекцион-ривожлантирувчи машғулотларини ташкил этиш.

**Хулоса.** Ўзбекистонда имконияти чекланган болаларни умумтаълим муассасаларига жалб этиш, интеграция асосида таълимни ташкил этишнинг узига хос муаммолари ва қийинчиликлари бўлсада, у барча минтакаларда ривожланиб бормоқда. Имконияти чекланган болаларга таълим беришнинг ноанъанавий бошқа шакллари ташкил этишга ҳам ҳаракат қилинмоқда.

Имконияти чекланган болалар учун инклюзив таълим нафақат таълим бериш, балки уларни жамиятнинг фаол ва тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида тарбиялашга хизмат қилади. Инклюзив таълимнинг муваффақиятли амалга оширилиши учун жамиятнинг барча қатламларининг ҳамкорлиги, давлат сиёсатининг қўллаб-қувватлаши ва ижтимоий онгни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга.

Имконияти чекланган болага оилада илк ёшдан бошлаб эътибор бериб ундаги нуқсонларни ўз вақтида бартараф этиш, тарбиялаш, даволаш ва коррекцион педагогик омиларни боланинг нуқсон турига кўра қўлай билиши ва ўқув-методик адабиётлардан фойдаланиб, мунтазам равишда мактабгача ва мактаб таълимига тайёрлаб борилса, кейинчалик бу болалар махсус таълим тизимида чегараланиб қолмасдан, балки улар барча тенгдошлари қатори умумтаълим тизимида ўқиш имкониятига ҳам эга бўлади. Фарзандларимизнинг келажакда соғлом-баркамол, комил инсон бўлиб етишиши ўз қўлимизда.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ БЎЙИЧА УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА. Тошкент – 2024 йил.

2. Шомахмудова Р. ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ. Ўқув-методик қўлланма. ТОШКЕНТ – 2007.

3. Идиева, Н. Э. The effectiveness of teaching primary school students their native language and reading literacy through digital technologies. American Journal of Language, Literacy and learning in STEM education. Volume 01, Issue 09, 2023. ISSN (E): 2993-2769.

4. Идиева, Н. Э. Methods of using ICT in teaching primary students to work on artistic works in mother language and reading literacy lessons. American Journal of Education and Evaluation Studies. Vol. 1. No.7. (Oct.2024), E-ISSN: 2997-9439.

5. Идиева, Н. Э. Особенности применения информационно-коммуникационных технологий в начальном образовании. ISSN 2181-6833. Педагогик маҳорат. 2-сон. Февраль. Бухоро: - 2025.

6. Идиева, Н. Э. Формирование навыков чтения у младших школьников: современные подходы и методики. Осиё халқаро университети ахборотномаси. 2025, №2. Бухоро: “Kamolot” нашриёти. / <https://scientificjournal.uz/>

7. Мамедова, Р. В. Инклюзив таълимдаги ижтимоий интеграция ва жамиятга қараш. – 2017.

8. Шукурова, Д. М. *Имконияти чекланган болаларга инклюзив таълим беришидаги хатарлар ва муаммолар.* – 2016.

